

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ДОСТОНБЕК УСМОНЖОН ЎҒЛИ

**ШИРИНМИЯДАН ХАЛҚ ТАБОБАТИ УЧУН БИОЛОГИК ФАОЛ
ТОВАРЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 - Товарлар кимёси

14.00.41 - Халқ табобати

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эгамбердиев Достонбек Усмонжон ўғли

Ширинмиядан халқ табобати учун биологик фаол товарлар олиш ва уларни синфлаш 3

Эгамбердиев Достонбек Усмонжон угли

Получения биологически активных товаров для народной медицины и их классификация 21

Egamberdiyev Dostonbek Usmonjon ugli

Obtaining biological active goods for traditional medicine based on the licorice and classifying them 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ДОСТОНБЕК УСМОНЖОН ЎҒЛИ

**ШИРИНМИЯДАН ХАЛҚ ТАБОБАТИ УЧУН БИОЛОГИК ФАОЛ
ТОВАРЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

02.00.09 - Товарлар кимёси

14.00.41 - Халқ таобати

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/K480. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аскарлов Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Исаев Юсуф Тожимаматович
кимё фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Лутфуллин Қаҳрамон Лутфуллинович
Кимё фанлари доктори, профессор

Дехконов Раҳматилла Султонович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети хузуридаги DSc.03/29.10.2021.K/T.60.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "22" VI соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон ш., Университет кўч. Т29. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33)

Диссертацияси билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: abshax@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил " 7 " VI кун тарқатилди.
(2022 йил " 7 " VI даги 04 рақамли реестр баённомаси.)



Х.Исаков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

М.М.Мўминжонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.

Ш.В.Абдуллаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда анемия (камқонлик) аёллар ва болалар орасида энг кўп тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра дунёда анемия касаллигига чалинган беморлар аҳолининг 24,8% ни ташкил қилиб, мактабгача ёшдаги болалар орасида (47,4%), ҳомиладор аёллар (35,8%) ва репродуктив ёшдаги аёлларда (30,2%) кўпроқ тарқалган. Демак, доривор ўсимликлар асосида анемия касаллигини олдини олиш ҳамда даволашда қўлланиладиган табиий, экологик тоза, зарарсиз биологик фаол озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда анемия касаллигини олдини олиш ва даволаш хусусиятига эга бўлган доривор ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмалардан тайёрланган озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, таркибида темир ионларини организмга сўрилишини таъминловчи бирикмалар тутган доривор ўсимликлар асосида табиий, экологик тоза, иммунитетни оширувчи, ҳамда айрим синтетик препаратларни ўрнини босувчи биологик фаол озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам таркибида организмга темир ионларини ўзлаштирилишини кучайтирувчи глицирризин кислота тутган ширинмия ўсимлиги асосида анемия касаллигини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга бўлган табиий озик-овқат қўшилмалари яратиш, уларни кимёвий таркибини аниқлаш, ҳамда уларга ТИФ ТН бўйича янги товар код рақамлари ишлаб ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда инсон организми иммунитетини ошириш билан бирга кўпгина касалликларни олдини олиш ва даволаш хусусиятига эга бўлган табиий озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹ “Озик-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, табиий манбалар асосида таркибида анемия касаллигини олдини олишда фаол иштирок этувчи бирикмалар сақлаган, организм иммунитетини кўтарувчи, зарарсиз, табиий биологик фаол озик-овқат қўшилмаларини яратиш, шунингдек уларнинг кимёвий таркиби, тузилиши, хоссаларини ўрганиш ҳамда ТИФ ТН бўйича товар кодларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек 2020 йил 10 апрелдаги ПФ-4947- ПҚ-4668-сон “Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиқатини ривожлантиришга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юртимизда доривор ўсимликлардан фойдаланиб беморларни даволаш узок тарихга эга. Хусусан Ибн Сино ширинмияни теридаги яралар, ўпка ва нафас йўллари яллиғланишиларини даволашда ишлатган. Доривор ўсимликлар таркибидан биологик фаол бирикмаларни ажратиш олиш, улар асосида дори воситалари ва озик-овқат қўшилмаларини яратиш устида О.С. Содиков, С.Ю. Юнусов, И.Р. Асқаров, Х.Х. Холматов каби кўплаб ўзбек олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Россияда И.А.Муравьёв, Б.М.Алексеева, В.О.Толмачев, В.А.Тутельянлар томонидан таркибида табиий компонентлар сақловчи биологик фаол ҳосилалар ҳамда озик-овқат қўшилмалари олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Хорижда, Ф. Леал-Мартинес, М.Р. Дойч, Эмили Алкок, Гҳадер Жалилзодалар бир қатор натижаларга эришганлар.

Ҳозирги кунда таркибида ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи ва айрим доривор ўсимликлар сақлаган анемия касаллигини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга бўлган биологик фаол озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқилмаган, уларнинг кимёвий таркиби аниқланмаган ва улар учун кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича товар кодлари ишлаб чиқилмаган.

Мазкур диссертация иши озик-овқат қўшилмаларини анемия касаллигини олдини олиш ва даволашда фойдаланиш, улар учун кимёвий таркиби асосида тегишли янги товар кодлари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг “Ўсимликлар асосида табиий биологик фаол озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш ва уларни синфлаш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ширинмия илдизи ва айрим доривор ўсимликлар асосида биологик фаол қўшилма яратиш, уларнинг кимёвий таркиби ва хусусиятларини аниқлаш ҳамда кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича янги товар кодлари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи асосида янги, анемия касаллигини олдини олишда қўланиладиган биологик фаол озик-овқат қўшилмаси яратиш;
олинган биологик фаол озик-овқат қўшилмаси таркибидаги макро- ва микроэлементлар миқдорини таҳлил қилиш;

олинган биологик фаол озик-овқат қўшилмаси таркибидаги витаминларни аниқлаш;

олинган озик-овқат қўшилмаларини биологик фаолликларини лаборатория синовларидан ўтказиш;

олинган биологик фаол озик-овқат қўшилмасига Республика Санитар эпидемиологик осойишталик назорат марказида лаборатория синовларидан ўтказиш, гигиеник ва мувофиқлик сертификатини олиш;

олинган биологик фаол озик-овқат қўшилмаси учун техник шартни ишлаб ишлаб чиқиш.

янги олинган биологик фаол озик-овқат қўшилмалар учун ТИФ ТН бўйича халқаро товар кодлари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи ва айрим доривор ўсимликлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи асосида биологик фаол озик-овқат қўшилма яратиш ва уни кимёвий таркиби асосида тегишли синфларга ажратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида доривор ўсимликларни йиғиш ва қуриштириш, кимёвий усуллар (экстрактция, тозалаш), биологик фаол озик-овқат қўшилмалар таркибини аниқлашда ЮҚХ, ЮССХ, масс-спектрометрия методлари ҳамда биологик ва фармако-токсикологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи асосида анемия касаллигини даволаш ва олдини олишга мўлжалланган “GEMOPLUS” озик-овқат қўшилмаси яратилган;

“GEMOPLUS” озик-овқат қўшилмаси таркибидан ажратиб олинган биологик фаол моддаларнинг кимёвий таркиби замонавий методлар ёрдамида аниқланган;

ширинмия илдизи асосида олинган “GEMOPLUS” номли озик-овқат қўшилмасини биологик фаоллиги токсико-гигиеник кузатув натижалари билан исботланган.

ширинмия илдизи асосида олинган “GEMOPLUS” номли биологик фаол озик-овқат қўшилмасига кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича товар коди ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Таркибида ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи асосида “GEMOPLUS” номли биологик фаол қўшилмаси яратилган;

ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи асосида тайёрланган озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқариш учун техник шарт Ts 27191873-01:2017 ишлаб чиқилган;

анемия касаллигини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга бўлган, ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи асосида тайёрланган табиий озик-овқат қўшилмаларига ТИФ ТН бўйича янги халқаро товар код рақамлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ширинмия илдизи асосида олинган “GEMOPLUS” номли озик-овқат қўшилмаси яратилиб кимёвий таркиби макро ва микро элементлари

хамда витаминлар таркиби ЮССХ усулларида, уларнинг биологик фаолликлари етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизидан биологик фаол бирикмаларнинг ажратиб олинганлиги, уларнинг таркиби аниқланганлиги, “GEMOPLUS” озиқ-овқат қўшилмасининг биологик фаоллиги ва шифобахш хусусияти исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ширинмия илдизи асосида анемия касаллигини даволаш ва олдини олиш хусусиятига эга бўлган “GEMOPLUS” озиқ-овқат қўшилмаси ишлаб чиқилгани, уни шифобахш озиқ-овқат сифатида халқ табobati амалиётига тавсия қилинганлиги, ҳамда уларга кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича янги товар кодлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи ва айрим доривор ўсимликлар асосида БФҚ яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Андижон вилоятидаги “VITABIOTIK” хусусий корхонасида “GEMOPLUS” озиқ-овқат қўшилмасини ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий Сертификатлаш тизими томонидан мувофиқлик сертификати олинган (UZ.SMT.01.0007.66806862, 2021й., Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг №360006-сонли “Санитария-эпидемиология хулосаси). Натижада, мазкур озиқ-овқат қўшилмасини талаб даражасида идентификациялаш имконини берган.

“GEMOPLUS” озиқ-овқат қўшилмаси учун ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича “таркибида глицирризин кислотаси, пиридоксин, рибофлавин, тиамин, В₁, В₁₂, В₂, РР витаминлар сақловчи доривор ўсимликлар ёки уларнинг айрим қисмларидан тайёрланган табиий озиқ-овқат қўшилмалари” учун – 1212 3000 02 халқаро код рақами давлат божхона амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2022 йил 06 февралдаги 1/16-006-сонли маълумотномаси). Натижада, шу каби озиқ-овқат қўшилмаларини экспорт ва импорт қилишда улардан ундириладиган бож тўловларини назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 7 та илмий мақола республика миқёсидаги ва 5 та илмий мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 18 та жадвал, 11 та расм ва 8 та иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми – 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, заруратига асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ширинмия ўсимлиги, унинг илдизи таркиби, илдиз компонентлари асосида олинадиган биологик фаол моддалар ва озик-овқат қўшилмалари (адабиётлар таҳлили)”** деб номланган биринчи боби ширинмия ўсимлиги турлари, уларни тарқалиши, илдизининг кимёвий таркиби, ширинмия ўсимлиги, илдиз экстракти ва глицирризин кислотаси асосида олинган БФҚ ҳамда препаратлар, ширинмия илдизи таркибидаги ГК миқдори аниқлаш усуллари, анемия касаллигини келиб чиқиш сабаблари ва даволаш усуллари, касаллик терапияси учун синтетик дорилар билан бирга халқ табобатида қўлланиладиган доривор ўсимликлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ширинмия илдизи ва илдиз компонентлари тутувчи маҳсулотларни кимёвий таркиби асосида синфлаш (Олинган натижалар муҳокамаси)”** деб номланиб, бу бобнинг биринчи қисмида, асосан, ширинмия илдизи ва илдиз компонентлари тутувчи маҳсулотларнинг сифат ҳамда миқдор кўрсаткичларини аниқлаш, биологик фаол озик-овқат қўшилмаларига қўйиладиган талаблар бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Аввалдан йиғиб қуришиб тайёрланган ширинмия қуруқ илдизининг намлик миқдорини аниқлаш ДФ талаблари асосидан олиб борилди. Тажриба натижалари қуйидаги жадвалда келтириб ўтилган.

1-жадвал

№	Тигел массаси (грам)	Дастлабки тортим (грам)	Қиздиришдан кейинги тортим (грам)
1	228	233	232,7
2		232,7	232,4
3		232,4	232,4
4		232,4	232,4
5		232,4	232,4

Аввалдан қиздириб доимий массага келтирилган чинни тигелга 2,0 г илдиз намунаси жойланди ва муфел печда 1 соат давомида 105 °С да

қиздирилди. Кейин температура 600 °С гача кўтарилди ва намуна тўлиқ ёниб кетгунча қиздирилди. Умумий кул миқдори ўртача 7,6% (ДФ талаби 8% гача;).

Олинган натижадан кўриш мумкинки текширилаётган ширинмия илдизи таркибида умумий кул миқдори ДФ мос келиши аниқланди. Шундан келиб чиқиб ширинмия илдизи таркибида умумий кул миқдорини ДФ талаблари асосида эканлиги аниқланди.

Экстрактив моддалар миқдори маҳсулот сифатини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ДФ доривор ўсимлик маҳсулотидаги экстрактив моддаларни миқдорини аниқлашни тақозо этади.

Ширинмия илдизи таркибида экстрактив моддалар миқдорини аниқлашда ДФ талабларидан келиб чиқиб бажарилди. экстрактив моддалар 25 % дан кам эмаслиги аниқланди. Экстрактив моддалар миқдори (%) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$X = \frac{(a - b) \cdot 200}{c}$$

Бу ерда, X– экстрактив модданинг % миқдори, a– экстрактив моддаси билан қуритилган косачанинг умумий оғирлиги, b–шу косача оғирлиги, c– таҳлил учун олинган маҳсулот оғирлиги.

Хом-ашёдаги глицирризин кислота анализи ФС.2.5.0040.15 да берилган методика бўйича ўтказилди. Бунинг учун илдиз таркибидаги глицирризин кислотаси нитрат кислотанинг ацетондаги 3 % ли эритмаси билан ажратиб олинди ва тегишли аналитик намуна эритмалари тайёрланди. Глицирризин кислотасининг миқдори (% да) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$X = \frac{A \cdot 822 \cdot 250 \cdot 50 \cdot 100}{a \cdot 3 \cdot 11000 \cdot 1000}$$

Бу жойда, A-текширилаётган эритманинг оптик зичлиги, a-хом-ашё намунаси массаси г; 822-глицирризин кислотасининг молекуляр массаси; 11000-моляр ютилиш кўрсаткичи.

Глицирризин кислотасининг текширилган намунадаги ўртача миқдори 9,2 % ни ташкил қилди. ДФ талаби бўйича глицирризин кислотасининг миқдори 6 % дан кам бўлмаслиги керак.

2-жадвал

Ширинмия илдизи таркибидаги глицирризин кислотасини спектрофотометр усулда аниқлаш


№	Оптик зичлиги, D	Миқдори ГК, %
1	0.623	9,70
2	0.594	9,25
3	0.634	9,87
4	0.549	8,55
5	0.538	8,38
6	0.607	9,45
	ўртача	9,20

Глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузини (ГКМАТ) олиниб унинг тузилиши ИК спектр ёрдамида таҳлил қилинди, олинган натижалар адабиётлардаги маълумотлар билан таққосланди. ГКМАТ ни олиш учун

ширинмия илдизи сувли экстрактдан олинган техник глицирризин кислотадан фойдаланилди. Бунинг учун техник ГК ацетонда эритилиб концентрланган аммиак эритмаси таъсирида триаммонийли туз шаклида чўктирилди. Кейин триаммонийглицирризинат муз сирка кислотада эритилиб моноаммонийли тузга ўтказилди. Т.с.= 216±2 °С. Унум 11,25 гр (45 %). ЮССХ бўйича асосий модда миқдори 80±2% ташкил этди. Намлик 5,34% гача. $[\alpha]^{D25} = +40 \pm 2^\circ$; (c=0,02; 50% C₂H₅OH). Адабиётдаги маълумот: Т.с.= 218±2 °С, $[\alpha]^{D25} = +42 \pm 2^\circ$; (c=0,05; 50% C₂H₅OH).

Глицирризин кислотаси олиниб унинг ИК таҳлил натижалари адабиётлар маълумотлари билан таққосланди. 10 гр ГКМАТ, 5 г КУ-2-8 (Н+ форма) катионит ва 1г фаоллаштирилган кўмир билан 100 мл 75% этил спиртида эритилиб, 1 соат давомида хона ҳароратида магнит аралаштиргичда аралаштирилди. Кўмир ва катионит филтрлаб олиниб, этил спирти билан 30 мл дан 3 марта ювилди. Эритувчи паст босимда ҳайдалиб, куюқ масса кўринишидаги гликозид вакумда (3мм. симоб устуни), 50-60°С да доимий массагача қуритилди ва сариқ рангли аморф кукун олинди.

Унум 8,6 гр (86%). $[\alpha]^{D25} = +43 \pm 2^\circ$; c=0,05 % (50 % C₂H₅OH). ЮССХ бўйича асосий модда миқдори 78±2% ташкил этди. Тсууқ.=218±20С (парчаланеди), УБ- спектр 50 % C₂H₅OH (λmax, нм) 255, (lgε 3,95). Адабиётдаги маълумот: $[\alpha]^{D20} = +45 \pm 2$; (c=0,12; 50 % C₂H₅OH). УБ-спектр 50 % C₂H₅OH (λmax, нм): 250, (lgε 3,98).



1-расм. Глицирризин кислотаси моноаммонийли тузининг ИҚ спектри

ГКМАТ нинг ИҚ-спектрида унинг углевод кисмидаги ОН гуруҳларига хос ёйилган ютилиш чизиғи 3200-3400 см⁻¹ да, эркин карбоксил гуруҳларидаги С=О боғига тааллуқли ютилиш максимумлари 1710-1680 см⁻¹ да, туз ҳосил қилишда қатнашган О=СО–NH₄⁺ карбонил гуруҳларига тегишли кенг ютилиш максимумлари 1651 см⁻¹ да кузатилди. Спектрда С–О–С боғларига тегишли ютилиш максимуми 1200-1000 см⁻¹ да, туташ карбонил гуруҳига О=C–C=C– тегишли ютилиш максимумлари 1643 см⁻¹ да қайд этилди.


Мамлакатимиз ҳудудидаги куруқ ширинмия илдизи таркибидаги айрим макро-, микро-, ультрамикро- ва захарли элементлар миқдорлари индуктив боғланган плазмали оптик эмиссион спектрометрда анализ қилинди. Қурилманинг аниқлик даражаси юқори бўлиб, эритма таркибидаги элементларни 10⁻⁹ г аниқликгача ўлчаш имконини беради.

**Мамлакатимиз худудида ўсувчи ширинмия ўсимлигининг илдиз намунасини
кимёвий таркиби**

мг/кг								
Mn	Cr	As	Mg	Ca	Li	Al	Ba	Cd
0,066	0,008	0,482	19,794	54,457	0,003	0,921	0,016	0,001
Co	K	Se	B	Ni	Zn	Fe	Cu	Sb
0	48,685	0	0,04	0,013	0,069	0,898	0,056	0,001
Hg	V	Mo	Sn	Ag	Pb	Na	P	
0	0,007	0,005	0,017	0,005	0,001	2,208	20,773	

Юқори самарали суяқ хроматография (ЮССХ) усули доривор ўсимликлар асосида тайёрланган БФҚлар таркибини ўрганишда тобора кўпроқ фойдаланилмоқда.

Ўсимлик илдизи таркибидан глицирризин кислотаси (ГК)ни ажратиб олишни бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, унда турли эритувчилар ёрдамида экстракциялаш, экстракт таркибидаги ГК миқдорини ЮССХ усули билан аниқлашни усуллари ишлаб чиқилган.




2-расм. Глицирризин кислотасининг стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси.

Стандарт намуна эритмаси хроматография қилинишидан олдин 5 минут давомида 7000 айл/мин да центрифугаланади ёки поралари 0,22 мкм бўлган миллипор филтър орқали филтърланди. ЮССХ усули ёрдамида градиент режимдан фосфатли буфер эритмаси ёрдамида 12 минут давомида 254 нм оралиғида натижа олинди.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚдаги ГКнинг миқдори стандарт ва ишчи намуналарнинг хроматограммалардаги чўққилар юзасини таққослаш асосида аниқланди.

Олинган маълумотлардан кўриш мумкинки, ЮССХ усули ёрдамида тадқиқ этилган ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ таркибида ГК миқдори 0.1 мг/мл га тенг эканлиги аниқланди.


Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда, БФҚлар таркибидаги витаминларни аниқлаш, сифат ва миқдор кўрсаткичларини тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.



3-расм. Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсининг ЮССХ хроматограммаси.

Олиб борилган тадқиқотларимизни кейинги босқичи ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ таркибидаги сувда эрувчан витаминларни ЮССХ усули билан (В₁, В₂, В₉, никотинамид, никотин кислота ҳамда фолий кислотаси) миқдорини аниқлашга қаратилган.

Стандарт намуна эритмаси хроматография қилинишидан олдин 5 минут давомида 7000 айл/мин да центрифугаланади ёки 0,22 мкм миллипор филтър орқали филтърланади. ЮССХ усули ёрдамида градиент режимдан фосфатли буъфер эритмаси ёрдамида 20 минут давомида 254 нм оралиғида натижа олинди.



4-расм. Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси эритмасининг хроматограммаси.

4-жадвал

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси таркибидаги витаминлар

№	Витаминлар	Чиқиш вақти мин	Концентрация мг/мл
1	Витамин В ₁	6,208	0,374
2	Витамин В ₂	10,272	0.01
3	Витамин РР	10,688	0,345
4	Витамин В ₁₂	16,128	0,408
5	Витамин В ₉	18,272	0,31

Юқоридаги жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси таркибида В гуруҳ витаминларидан В₁₂ витамини миқдори нисбатан кўпроқ. Маълумки, В₁₂ витамини қон ҳосил қилувчи асосий омиллардан биридир. Шунинг учун ширинмия илдизи асосида

олинган озик-овқат қўшилмаси анемия касаллигини олдини олиш ва даволашда самарали восита ҳисобланади.

Ширинмия илдизи асосида олинган озик-овқат қўшилмаси макро- ва микроэлементлар миьдорини аниқлаш учун олинган намуна анализи индуктив боғланган плазмали оптик эмиссион спектрометрда анализ қилинди.

5-жадвал

Ширинмия илдизи асосида олинган озик-овқат қўшилмаси таркибидаги макро, микро, ва ултрамикроэлементлар миқдори

Т/р	Элемент	Миқдорий таркиби, мг/л	Ширинмия илдизи таркибидаги миқдори мг/кг
Макроэлементлар			
1	Каъций, Са	3,547	54,457
2	Фосфор, Р	0,674	20,773
3	Олтингугурт, S	2,077	0
4	Калий, К	11,528	48,685
5	Натрий, Na	1,34	2,208
6	Магний, Mg	1,866	19,794
Микроэлементлар			
1	Темир, Fe	0,14	0,898
2	Алюминий, Al	0,001	0,921
3	Мис, Cu	0.019	0,056
4	Марганец, Mn	0.228	0,066
Ультрамикроэлементлар			
1	Кобалт, Co	0,24	0
2	Литий, Li	0.002	0,003

6-жадвал.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФ озик-овқат қўшилмасининг оғир металллар ва пестицидлар кўрсаткичи

Кўрсаткич номи (талаблар)	Меъёрий хужжат бўйича мг/кг кўп эмас	Ширинмия илдизи асосида олинган мг/кг	Меъёрий хужжат бўйича мослиги
Кадмий	1.0	0	Мос келади
Кўрғошин	6.0	0	Мос келади
Мишьяк	0.5	0	Мос келади
Симоб	0.1	0	Мос келади
ГХЦГ изомерлари	0.1	0	Мос келади
ДДТ ва уни метаболити	0.1	0	Мос келади

Жадвалдан кўришиб турибдики ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ таркибида инсон организми учун зарур бўлган макроэлементлардан К (11.528 мг/г) энг кўп, шунингдек қон ҳосил бўлишида иштирок этувчи асосий биоген элемент бўлган Fe 0,14 мг/г миқдорда эканлиги ва микроэлементлардан энг кўпи Co (0.24 мг/г), энг ози Li (0.002 мг/г) эканлиги аниқланди. Оғир металллар ва бошқа захарли элементлар аниқланмади. Олинган натижалар Фармакопей талабларига жавоб бериши тасдиқланди.

Бобнинг “Ширинмия илдизи асосида олинган озик-овқат қўшилмасини биологик фаоллигини ўрганиш” қисмида ширинмия илдизи асосида олинган биологик фаол озик-овқат қўшимчасининг фармако-токсикологик фаоллигин

ўрганиш натижалари муҳокама қилинган. Текширилган модда тажриба жонворларига оғиз орқали юборилиб, ўртача ўлим кўрсаткичи, териға маҳаллий таъсирини, тери орқали органнзмға сўрилиши, кўзнинг шиллиқ каватига таъсири, кумулятив хусусияти, аллерген таъсири аниқланди.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ ўткир захарлилигини текширишда Личфилд ва Уилкоксон усулидан фойдаланилди. Текширилаётган БФҚ нинг таъсир натижаси сифатида хайвонларда захарланиш аломатларини пайдо бўлиши ва ўлим ҳолатини юзага келиши кузатиб борилди. Тажриба натижалари 7 – жадвалда келтирилди.

7-жадвал.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚнинг турли дозада оқ каламушлар ошқозонига бир марта юборилгандаги ўлим кўрсаткичларини кузатиш натижалари

Доза, мг/кг	Кузатиш кунлари ва умумий хайвонларни ўлган хайвонлар сонига нисбати								Жами ўлган хайвонлар сони
	1-кун	2-кун	3-кун	4-кун	5-кун	6-кун	7-кун	14-кун	
1000	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	0
2000	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	0
3000	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	0
4000	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	0
5000	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	6/0	0

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ нинг ўткир захарлилик даражаси оқ каламуш ошқозонига бир марта юборилгандаги ўртача ўлим чакирувчи дозаси 5000 мг/кг дан юқори эканлиги ва ушбу кўрсаткич бўйича мазкур БФҚ давлат стандарти (ГОСТ 12.1.007-76) га мувофиқ, кам захарлилиги бўлган VI-синф моддаларига киради.

Ширинмия илдизи асосида олинган биологик фаол озик-овқат кўшимчасининг захарлилигини белгилашда уларнинг териға маҳаллий таъсирини ўрганиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Териға маҳаллий таъсирини аниқлашда С.В. Суворов ҳамда “Зарарли кимёвий бирикмаларнинг териға таъсирини баҳолаш ва терининг зарарланишининг руҳсат этилган юқори даражасини асослаш” усуларидан фойдаланилди.

Асосий эътибор теридаги биологик фаол озик-овқат кўшимчаси таъсирида юзага келиши мумкин бўлган қизариш, шиш пайдо бўлиш аломатларига қаратилди ва уларнинг номоёнлик даражаси балларда баҳоланди. Кузатиш даври 14 кундан иборат бўлди.

8 – жадвал.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ кўшимчасини териға маҳаллий таъсирини ўрганиш

Кузатилган кўрсаткичлар	Фон	4 соат	1 кун	2 кун	3 кун	4 кун	5 кун	7 кун	10 кун	14 кун
Қизариш	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Шиш	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

Олинган натижалар тахлили шуни кўрсатдики, ўтказилган тажриба даврида ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси терига бир марта таъсир эттирилганда махаллий ўзгаришлар (қизариш, шиш) чақирмади ва улар махсус таснифга биноан терида яллиғланиш чақирмайдиган моддалар тоифасига кириши, яъни терида махаллий ўзгаришлар чақирмаслиги аниқланди.

Тадқиқотларни кейинги босқичида ширинмия илдизи асосида олинган БФҚни терига сўрилиши ўрганилди. Ушбу тажрибаларда ҳам юқорида зикр қилинган методлардан фойдаланилди. Бунинг учун соғлом ва вояга етган денгиз чўчкалари танлаб олинди.

Тажрибадан олинган натижалардан маълум бўлдики, ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси тери орқали организмга сўрилмайди.

Тадқиқотларнинг навбатдаги босқичида ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсини кўзнинг шиллиқ қавати ва муғуз пардасига таъсирини ўрганишда “Озиқ-овқат қўшимчаларини олдиндан рўйхатга олиш токсикологик-гигиеник экспертизасини ўтказиш тартиби ва методикаси” усулларида фойдаланилди. Тажриба учун хар бир гуруҳида 3 тадан иборат бўлган куёнларда ўрганилди.

Хайвонларнинг ўнг кўз қопчасига ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсидан алоҳида-алоҳида равишда 2 томчидан томизилди. Кузатиш муддати 14 кун давом этди.

9 – жадвал.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚнинг кўзнинг шиллиқ қаватига ва муғуз пардасига таъсирини баҳолаш натижалари

Кузатилган кўрсаткичлар	Фон	4 соат	1 кун	2 кун	5 Кун	8 кун	10 кун	14 кун
Конъюнкти ва қизариши	0	0	0	0	0	0	0	0
Қовоқ шиши	0	0	0	0	0	0	0	0
Кўз ажратмаси	0	0	0	0	0	0	0	0
Муғуз хиралашиши	0	0	0	0	0	0	0	0
Муғуз пардаси зарарланган майдони	0	0	0	0	0	0	0	0

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси кўзнинг шиллиқ қаватига махаллий таъсир даражаси бўйича кўзни шикастлаш хусусияти намоён этмайдиган препаратлар рўйхатига кириши тасдиқланди.

Ширинмия илдизи асосида олинган биологик фаол озиқ-овқат қўшимчасининг организмда йиғилиши (кумулятив хусусияти) ҳақида хулоса қилишда унинг хайвонлар учун ошқозон орқали юборилгандаги ўртача ўлим кўрсаткичлари (LD₅₀) бўйича ўтказилган тажриба натижаларидан фойдаланилди. Шу сабабли, ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсини ккумулятив хусусияти функционал бўлган моддаларга қаторига киритиш мумкин.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсининг аллергиялик хусусияти денгиз чўчкаларида “Зарарли кимёвий бирикмаларнинг терига таъсирини баҳолаш ва терининг зарарланишининг рухсат этилган юқори даражасини

асослаш” усулидан фойдаланиб ўрганилди.

Тажриба натижлари шуни кўрсатдики, ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси хайвонларда аллергия келтириб чиқариши кузатилмади.

Ширинмия илдизи асосида олинган биологик фаол озик-овқат кўшимчасининг токсикологик синовлари бўйича хайвонларда ўтказилган тажрибалар якунида хайвонлар ёриб кўрилди ва бунда асосий эътибор ички муҳим органлар - юрак, ўпка, жигар, буйрак, ошқозон, талок, ичаклардаги ўзгаришларга қаратилди.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси билан олиб борилган тадқиқотлар натижасида тажриба хайвонлари устида ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики ички органларда яққол кўринадиган ўзгаришлар кузатилмади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини ҳисоб-китобларига кўра ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 40 % камқонлик касаллиги билан шундан 75 % темир танқислиги билан азият чекмоқда.

Шундан келиб чиқиб, биз томонимиздан таркибида ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) илдизи ва доривор ўсимликларни сувли экстракти бўлган анемия касаллигини олдини олишда ва даволашда қўлланиладиган БФҚ яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва Шаҳрихон туманида фаолият олиб бораётган “VITABIOTIK” хусусий корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсини ишлаб чиқариш шакли сироп кўринишида бўлиб, маҳсулот 100 мл дан 500 мл гача бўлган пластик идишларга қуйилиб, қоғоз кутиларда қадоқланади.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсини олиш технологияси

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсини олиш қуйидаги усулда амалга оширалади: олинган доривор ўсимликларни маълум оғирликларда олиниб сувли экстракция усулидан фойдаланиб таркибидаги биологик фаол бирикмалар ажратиб олинади.

Доривор ўсимликларни экстрактив моддалар миқдорини аниқлаш учун экстрагент сифатида тозаланган сув ва концентрацияси 40% ва 70% бўлган сув-спирт эритмаларидан фойдаланилди. Таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

10 – жадвал

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚсини таркибидаги экстрактив моддалари миқдори %

Экстрагент		
Тозаланган сув	40 % этил спирт	70 % этил спирт
34,45±1,01	29,01±1,62	24,88±1,11
34,01±1,23	28,21±1,22	25,86±1,21
33,11±1,12	29,54±1,13	24,63±1,13

Олинган натижада кўриниб турибдики, ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ таркибидаги экстрактив моддалар тозаланган сув билан экстракция қилинганда энг кўп миқдорда ажралиб чиқиши аниқланди. XI ДФ

маълумотларида уларнинг меъёри 30% дан кам бўлмаслиги керак деб белгиланган.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ қуйидаги гуруҳдаги биологик фаол моддалар билан бойитилган: бета-каротиноидлар, углеводлар, органик кислоталар, витаминлар, минерал моддалар, клетчатка, крахмал, кумаринлар, гликозидлар, қатронлар, флавоноидлар, микроэлементлар йиғиндиси, ошловчи, фитонцидлар ва бир қатор бошқа фойдали моддалар. Қаҳрабо кислотаси билан биргаликдаги комплексида улар моддалар алмашинуви, метаболизм, ошқозон-ичак тракти тўқима ва органларини физиологик вазибалари, асаб, юрак-қон томир, қоннинг морфофункционал таркиби ва иммунитетни меъерда бўлишини таъминлашда фойдали таъсирга эга.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚдаги токсик элементлар, пестицидлар, афлотоксин В₁ радионуклидларнинг миқдори СанПиНнинг №0366-19-сонли буйруғига мос келиши тасдиқланган.

Шундан келиб чиқиб, ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ ни сифат, самарадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 апрелдаги 2131-сон “Ўзбекистон Республикаси санитар-эпидемиологик хизмати тизимида рухсат берувчи жараёнлари тартибга солиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ қўллаш, қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирларни аниқлаш мақсадида олиб борилди.

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ ни умумий фармакологик ва токсикологик тадқиқотлари бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

а) IV синфга мансуб кам захарли бирикма (сичқон ва каламушларга перорал ва қорин бўшлиғига юборилганда LD₅₀ -5 000 мг/кг дан юқори);

б) кумулятив, аллергия ва тери-резорбтив таъсирга эга эмас;

в) ҳар куни бир марта перорал усулда юборилганда ҳайвонлар вазни динамикаси ва ҳаракатига, қоннинг периферик кўрсаткичларига, жигар, буйрак ҳамда бошқа аъзолар, тўқималар патоморфологияси ва функциясига захарли таъсир кўрсатмайди;

г) сурункали юборилганда эритроцитлар гемолизига таъсир этмайди, аммо, кам миқдорда турғун гипокоагуляция чақиради, бу тромбоцитлар агрегацион фаоллигини сусайиши ва жигарда прокоагулянтлар синтези камайиши ҳисобига бўлиши мумкин;

д) юрак-қон томир тизимига ва нафас олишга, организм марказий ва периферик нерв системасига яққол таъсир этмайди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижалари ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси организмга токсик таъсир этмаслигини кўрсатди .

Ширинмия илдизи асосида олинган БФҚ фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш натижаларига кўра, техник шарт, сироп ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди.

Олинган биологик фаол қўшимча учун Ташкилотнинг техникавий шартлари ишлаб чиқилди ва бу ширинмия илдизи асосида олинган БФҚси келиб чиқиши ўсимлик хом ашёларидан олинган, озиқ-овқат, макро- ва микроэлементлар, витаминлар, уларнинг кам истеъмол билан боғлиқ биологик

фаол моддаларни қўшимча манбайи сифатида ишлатилиши техникавий шартда баён этилган. Ташкилотнинг ушбу стандарти барча талаблари мажбурий ва сертификатлаш учун жавоб беради.

Шу кунгача, доривор ўсимликлар ёки уларнинг айрим қисмларидан тайёрланган озиқ-овқат қўшилмалари ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) қоидалари асосида кимёвий таркибига кўра синфланмаган, ҳамда уларга тегишли халқаро товар кодлари берилмаган эди.

Шуни инобатга олиб, айрим доривор ўсимликлар асосида яратилган, таркибида ширинмия илдизи сақловчи табиий, биологик фаол озиқ-овқат қўшилмасини кимёвий таркиби асосида синфлаб, уларга ташқи иқтисодий фаолиятдаги товарлар номенклатураси бўйича қуйидагича: “доривор ўсимликлардан, ёки уларнинг айрим қисмларидан тайёрланган озиқ-овқат қўшилмалари” учун – 121230, “таркибида глицирризин кислотаси, пиридоксин, рибофлавин, тиамин, В₁, В₁₂, В₂, РР витаминлар сақловчи доривор ўсимликлар ёки уларнинг айрим қисмларидан тайёрланган табиий озиқ-овқат қўшилмалари” учун – 1212300002 код рақамлари тавсия этилди.

Ушбу ишлаб чиқилган товар коди Ўзбекистон Республикаси Марказий божхона лабораторияси томонидан амалиётга тадбиқ этиш учун қабул қилинди ҳамда расмий маълумотнома олинди.

Диссертациянинг учинчи боби, **“Ширинмия илдизи асосида биологик фаол бирикмалар яратиш ва уларнинг физик кимёвий тадқиқ қилиш усуллари”** бўлиб, бу бобда фойдаланилган реагентлар ва ширинмия илдизидан техник глицирризин кислотасини ажратиб олиш, глицирризин кислотасининг бир алмашинган аммонийли тузини олиниш усули, таркибида куруқ ширинмия илдизи сақловчи БФҚнинг намлиги ва кул миқдорини аниқлаш, доривор ўсимликлар таркибидаги экстракт моддалар миқдорини аниқлаш, куруқ ширинмия илдизи таркибидаги глицирризин кислотаси, макро ва микро элементлар миқдорини аниқлаш, ширинмия илдизи асосида олинган озиқ-овқат қўшилмаси таркибидаги глицирризин кислотаси ва витаминлар миқдорини ЮССХ методи бўйича аниқлаш, макро ва микро элементлар таркибини аниқлаш, озиқ-овқат қўшилмаларининг *in vivo* усулида токсикогигиеник хусусиятларини ўрганиш методика ва усуллари келтирилган.

ХУЛОСА

“Ширинмиядан халқ табobati учун биологик фаол товарлар олиш ва уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илк бор мамлакатимиз худудида ўсувчи доривор ўсимликларни чуқурлаштирилган фармакогностик ўрганиш натижасида анемия касаллигини олдини олиш ва даволаш фаолликка эга доривор хомашёнинг янги манбаси таклиф этилди.

2. Фитокимёвий изланишлар натижасида ўрганилаётган намунанинг специфик фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуи, витаминлар, сувда эрувчи флавоноидлар, полефеноллар, фенолкарбон

кислоталар ва ҳаётий зурур макро ва микро элементлардан иборатлиги аниқланди.

3. Ширинмия илдизи асосида олинган озиқ-овқат қўшимчасининг сувли экстрактини олиш ва стандартлаш ҳамда унинг асосида сироп шаклидаги биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқиш бўйича амалий масалалар ҳал қилинди. Ts 27191873-01:2017 рақамли техник шарт ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди.

4. Олинган натижалар асосида биологик фаол қўшилмани Андижон вилоятидаги “VITABIOTIK” хусусий корхонасида “GEMOPLUS” биологик фаол озиқ-овқат қўшилмаси номи билан ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий Сертификатлаш тизими томонидан мувофиқлик сертификати олинди № 2533100 рақами билан давлат рестирига киритилди (UZ.SMT.01.0007.66806862, 2021й., Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг №360006- сонли “Санитария-эпидемиология хулосаси). Натижада, мазкур озиқ-овқат қўшилмаларини талаб даражасида идентификациялаш имконини берган.

5. Олинган маълумотлар асосида “VITABIOTIK” хусусий корхонаси билан ҳамкорликда анемия касаллигини олдини олиш ширинмия илдизи асосида олинган номли биологик фаол озиқ-овқат қўшилмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди 2020 йилда 107 540 000 (бир юз етти миллион беш юз қирик минг) сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

6. Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича таркибида ширинмия илдизи сақловчи биологик фаол қўшимча сақловчи озиқ-овқат қўшилмалари учун ишлаб чиқилган янги 1212 3000 02 халқаро товар коди божхона амалиётида қўллаш учун тавсия этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 22 январдаги 02/16-0030-сонли маълумотномаси олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭГАМБЕРДИЕВ ДОСТОНБЕК УСМОНЖОН УГЛИ

**ПОЛУЧЕНИЕ ИЗ КОРНЯ СОЛОДКИ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ
ТОВАРОВ ДЛЯ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

**02.00.09 – Химия товаров
14.00.41 – Народная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Андижан – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PHD/K480.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Аскарон Иброхим Рахмонович
доктор химических наук, профессор

Исаев Юсуп Тожимаматович
кандидат химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Лутфуллин Кахрамон Лутфуллинович
доктор химических наук, профессор

Дехонов Рахматилла Султонович
Кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:


Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней № DSc.03/29.10.2021.K/T.60.05 2022 года в 10⁰⁰ часов. (Адрес: 170100, город Андижан, улица Университетская, дом № 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного университета (регистрационный номер № _____). (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Университет, 129. Тел.: (99877) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33), abshax@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан "7" VII 2022 года.

(№ реестра протокола рассылки 04 от "7, VII" 2022 года.)



Х.Исаков

Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор химических наук, профессор

М.М.Муминжонов

Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор химических наук.

Ш.В.Абдуллаев

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных степеней,
доктор химических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. Анемия (малокровие) является одной из самых распространенных заболеваний в мире среди женщин и детей. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) зараженные анемией больные в мире составляют 24,8% населения, наиболее распространена среди детей дошкольного возраста (47,4%), беременных женщин (35,8%) и женщин репродуктивного возраста (30,2%). Следовательно, разработка и внедрение в практику натуральных, экологически чистых, безвредных биологически активных пищевых добавок на основе лекарственных растений, предназначенных для профилактики и лечения анемии.

В мире ведутся исследования по разработке пищевых добавок на основе природных соединений, извлеченных из лекарственных растений, обладающих профилактическими и лечебными свойствами в отношении анемии. В данной сфере, особое внимание уделяется разработке на основе лекарственных растений экологически чистых, повышающих иммунитет, а также заменяющих некоторые синтетические препараты биологически активных пищевых добавок, содержащих соединения, обеспечивающие всасывание железа. Поэтому важное значение имеет создание натуральных пищевых добавок на основе солодки, содержащие усиливающую всасывание ионов железа в организме глицирризиновую кислоту, обладающие свойствами лечения и профилактики анемии, определение их химического состава и разработка новых товарных кодов по ТН ВЭД.

В Республике разработаны и внедрены в практику натуральные пищевые добавки, которые наряду с повышением иммунитета человеческого организма, способствуют профилактике и лечению многих заболеваний. В стратегии развития Нового Узбекистана² определены важнейшие задачи по «Реализации программы развития пищевой промышленности». Исходя из этих задач, важное научно-практическое значение приобретает создание на основе природных ресурсов безвредные, натуральные биологически активные пищевые добавки, повышающие иммунитет организма, которые содержат соединения, активно участвующие в предотвращении анемии, а также изучение их химического состава, структуру, свойства, а также разработка и внедрение в практику новые товарные коды по ТН ВЭД.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана, предусмотренных на 2022 — 2026 гг.» от 28 января 2022 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2884 «О мерах по совершенствованию структуры управления АО “Ўзкимёсаноат”» от 12 апреля 2017 года и № ПП-4668 «О дополнительных мерах по развитию народной

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28 января 2022 года.

медицины в Республике Узбекистан” от 10 апреля 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий Республики. Настоящее исследование проведено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. "Химические технологии и нанотехнологии".

Степень изученности проблемы. Лечение больных лекарственным растениями в нашей стране имеет давнюю историю. В частности, Ибн Сина использовал солодку при лечении ран на коже, воспалении легких и дыхательных путей. Многие узбекские ученые, такие как О.С.Садыков, С.Ю.Юнусов, И.Р.Аскарлов, Х.Х.Холматов проводили научные исследования над выделением биологически активных соединения из лекарственных растений, созданием на основе которых лекарственных средств и пищевых добавок. В России И.А.Муравьевым, Б.М. Алексеевой, В.О. Толмачевым, В.А. Тутельяном проведены научные исследования по получению биологически активных производных, содержащих натуральные компоненты, а также получению пищевых добавок. За рубежом определенные результаты в этой области достигнуты Ф. Леал-Мартинесом, М.Р. Дойчем, Эмили Алкоком, Гхадер Джалилзаде.

